

Тасалли истасангиз, Қуръонни очинг...



15:30 / 22.02.2021 2472

Телевизорни ёқсангиз: «Касаллар сони ортиб кетяпти, ҳаммаёққа тарқалиб кетяпти...»

Интернетни очасиз: «Ҳамма ўзининг ташвиши, аҳволи, шароитидан барчани олдида шикоят қилаётган бўлади».

Бирор киши билан гаплашсангиз: «Келажакдан хавотирию, ваҳима ва қўрқув ичра кечаётган ҳаётдан сизга ҳикоя қила бошлайди».

Энди буларни барини бир четга суриб, Қуръони Каримни очсангиз, у сизга шундай тасалли бера бошлайди:

- «**Аллоҳ танглик-камбағалликдан кейин енгиллик-бойликни ҳам (пайдо) қилур**», (Талоқ сураси, 7-оят).

- «**Айтинг: Сизларга у (бало)лардан ҳам, барча ғамлардан ҳам Аллоҳнинг ўзи нажот берур. Сўнгра сизлар яна ширк келтирурсиз!**» (Анъом сураси, 64-оят).

- «**Ёки музтар-ночор одам дуо-илтижо қилган вақтида (дуосини) ижобат қиладиган ва (унинг) мушкулени осон қиладиган Зотми?!**»
(Намл сураси, 62-оят).

- «**Ва осмонда ризқингиз ҳамда сизга ваъда қилинаётган нарсалар (бор)**», (Зарият сураси, 22-оят).

Тафаккур қилар эканмиз, қуйидаги оят маъносини янада чуқурроқ ҳис қиламиз: «**Огоҳ бўлингизким, Аллоҳни зикр қилиш билан қалблар ором олур**», (Раъд сураси, 28-оят).

Манба: @arabicuz